

Т.Нарбаева: якка-ёлғиз, боқувчисиз инсонлар, айниқса, қарияларнинг қаровсиз қолмаслигига аҳамият қаратмоқ зарур

Бугун парламент юқори палатасининг учинчи ялпи мажлисида Олий Мажлис Сенати Раиси Т.Нарбаева сенаторлар олдида турган муҳим вазифаларга ҳам тўхталди.

– Аввало, сенаторлар, маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда коронавирус пандемиясини Ўзбекистонда тарқалишининг олдини олиш Республика комиссияси томонидан берилаётган тавсияларнинг сўзсиз ижросини таъминлашга масъул сифатида муносабатда бўлишимиз керак, – **деди Сенат Раиси**. – Хусусан, карантин чоралари, гигиена қоидалари – ҳаммаси учун масъулмиз. Зеро, профилактика, огоҳлик – бугунги кун талаби эканлигига гувоҳ бўлиб турибмиз.



Иккинчи масала, Президентимиз томонидан қабул қилинган коронавирус билан боғлиқ Фармонда тезкор чоралар, бажарилиши шарт бўлган вазифалар белгиланган. Шу муносабат билан масофавий ишлаш режимида ҳам ҳар бир сенатор ўз вазифаларини аниқ белгилаб, Фармонда келтирилган чора-тадбирларнинг бажарилишида Ҳукумат аъзолари ва маҳаллий ҳокимликларга амалий ёрдам кўрсатишлари зарур.

Учинчи масала – юртимизда давлатимиз раҳбари томонидан камбағалликни камайтириш чораларини кўриш ишларини олиб бориш топширилган эди. Бу жараён ҳам бевосита мана шундай – эпидемияга боғлиқ қалтис вазиятларда ўзининг аҳамияти билан муҳим. Шу сабабли одамларимизни камбағалликдан чиқариш ишларини сусайтирмасдан олиб боришимиз керак.

Ҳозирги кунда таълим муассасалари томонидан телевидение орқали ўқувчи ва талабалар учун масофавий ўқишлар, китоб мутолалари ташкил қилинди. Худди шундай тартибни касб-ҳунар ўргатиш бўйича ҳам ташкил этиш мумкин. Бундан ташқари, томорқадаги ишлар, банклардан кредит олиш тартиблари, бизнес-режа тузиш ва бошқа шу каби оилавий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳасидаги меҳнат турлари бўйича онлайн ўқувлар ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бу масалаларда ҳудудий ОАВ, ижтимоий тармоқлар имкониятидан фойдаланиш зарур.

Тўртинчи масала – ҳозирги кунда карантин қоидаларига биноан барча аҳоли ўз уйида. Эътиборингизни бир аҳоли қатламига қаратмоқчиман, яъни якка-ёлғиз, боқувчисиз инсонлар, айниқса, қарияларни ёддан чиқармаслик керак. Уларнинг орасида турли хизмат кўрсатиш соҳаларида ишлаб, кундалик эҳтиёжлари учун ишлаб юрганлар бор. Ҳозир эса бу имкониятлари ҳам вақтинча тўхтатилган. Шу муносабат билан мана шу тоифадаги аҳоли қатламлари, кексаларимиз қаровсиз қолмаслигига, эҳтиёжманд инсонлар янада муҳтож бўлиб қолмаслигига аҳамият қаратмоғимиз зарур. Уларга озиқ-овқат, дори-дармон масалаларида ёрдам ташкил этилса, тўғри бўлар эди.

Бешинчи масала – сенаторлар ташаббуси билан коронавирусга қарши олиб борилаётган ишларга амалий кўмак бериш, кичкина бўлса-да, ҳисса қўшиш мақсадида “Меҳр – шавқат ва саломатлик” жамоат фондига мурожаат қилинди. Ушбу фондда иккиламчи банк ҳисоб рақами очилди ва сенаторлар ҳам ўз ҳиссасаларини қўшишди. Бу ташаббус бошқа идоралар томонидан ҳам қўллаб-қувватланди.

Олтинчи масала – тўй-маросимларнинг ўтказилишига йўл қўймаслик. Диний маросимларни эса диний идоралар тавсиясига асосан ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Шу ўринда, биз, сенаторлар бу ишларга халқимизга хос бўлган меҳр-оқибат, ҳамжиҳатликни таъминлаган ҳолда бор куч-ғайратимизни аямаслигимиз керак.

